

БАДИЙ АДАБИЁТДА ЭРТАК ЖАНРИГА ХОС ОНОМАСТИК БИРЛИКЛАРНИНГ ПРЕЦЕДЕНТ НОМ ВАЗИФАСИДА ҚЎЛЛАНИЛИШИ

Д. Юлдашева

доцент, ф. ф. д.

Л. Тешабаева

Ўқитувчи Фарғона давлат университети, Ўзбекистон, Фарғона

ARTICLE INFO.

Калит сўзлар:

Эртак, ономастик бирликлар, прецедент бирликлар, бадий адабиёт, атамалар.

Аннотация

Ушбу мақолада бадий адабиётда эртак жанрига хос ономастик бирликларнинг прецедент ном вазифасида қўлланилиши ёритилган.

<http://www.gospodarkainnowacje.pl/> © 2022 LWAB.

Рус тилшунослигида прецедент бирликлар Ю.Н.Караулов, Д.В.Багаева, О.С.Боярских, С.В.Банникова, Ю.А.Блинова, О.А.Ворожцова, Д.Б.Гудков, И.П.Зырянова, М.Ю.Илюшкина, Е.Ф.Косиченко, С.Л.Кушнерук, Е.А.Нахимова, Н.М.Орлова, Ю.Б.Пикулева, Г.Г.Сергеевалар томонидан ўрганилган. Прецедент ном “Лингвистик энциклопедик луғат”да қуйидагича изоҳланади: прецедент (лот.praecedens – олдинда юрувчи, олдинги) – олдин, ўтмишда содир бўлиб, шу кўринишдаги кейинги бирликларга намуна ёки оқловчи далил бўлиб хизмат қилувчи бирлик¹.

1984 йилда нашр қилинган икки томли “Русча-ўзбекча луғат”да “прецедент” терминига қуйидагича таъриф берилган: “Прецедент м.книж.(ўзидан кейин содир бўладиган худди шу турдаги воқеаларга намуна, ўртак бўла оладиган воқеа, ҳодиса): ўхшаш, тенг, случай, не имеющий – прецеденти (ўхшаши, тенги) бўлмаган ҳолат; установить – прецедентни белгиламоқ (ўтмишда худди шундай воқеа ёки ҳодиса бўлганини аниқламоқ); судебный – юр.суд прецеденти.”² Прецедент атамаси суд-ҳуқуқ соҳасида аввал қўлланилган бўлса-да, ҳозир нофаол атама саналади. Ҳозирда мазкур атамадан ижтимоий соҳада кенг фойдаланилмоқда.

Д.Худойберганова прецедент бирликларни тадқиқ этиб, мазкур атама биринчи бор Ю.Н.Караулов томонидан тилшунослик илмида қўллаганлигини, прецедент бирликлар лингвомаданиятнинг ноёб ҳодисаси эканлиги, чунки сўз маъноси ва маданий мазмун ўзаро зич алоқаси, бирикувидан ҳосил бўлган, семантикасида маданий ахборот устунлиги яққол намоён бўлувчи тил бирликлари лингвомаданий бирлик сифатида олинганини таъкидлайди³. Рус тилшунослигида маданий ва моддий қадриятлар тарзида муайян тил соҳибларига маълум бўлган

¹ <http://ru.wikipedia.org>.

² Русча-ўзбекча луғат. II том. – Т.:1984. – Б.195.

³ Худойберганова Д. Матнинг антропоцентриқ тадқиқи. – Тошкент: Фан, 2013; Ўзбек тилидаги матнларнинг антропоцентриқ тадқиқи: Филол.фан. д-ри. дисс. – Тошкент, 2015.

ва ҳаётий вазиятларда уларнинг лисоний хотирасида тикланадиган, нутқий жараёнда тез-тез қўлланиладиган, мурожаатдаги шахс номлари, турғун бирикмалар, жумлалар ҳамда матнлар прецедент бирликлар деб қайд этилади⁴.

Е.А.Нахимова прецедентлик феноменини миллатнинг онгида абстракт ҳолда сақланувчи тизим сифатида баҳолайди⁵.

Рус тилшунослигида прецедент бирликлар тадқиқига бағишланган ишларда мифлар, халқ кўшиқлари, эртақлар, латифалар, мақол, турғун ўхшатишлар, фразеологизм ҳамда машҳур шахслар номлари прецедент бирлик сифатида ўрганилиб, прецедент номлар, прецедент жумлалар, прецедент матнлар каби турларга ажратилган⁶. Тадқиқотчи Н.Пьего-Гро эса прецедент бирликларни қуйидагича: 1. Цитата; 2. Референция. 3. Қўштирноқсиз кўчирма. 4. Аллюзия⁷ сифатида тўрт турга бўлиб ўрганишни тавсия қилади.

Прецедент бирликлар ўзининг моҳияти, хусусиятларига кўра Д.Б.Гудков, И.В.Захаренко, В.В.Красных ва Д.В.Багаевалар томонидан қуйидагича тасниф этилади: прецедент матнлар, прецедент иборалар, прецедент вазиятлар ва прецедент номлар⁸.

Прецедент бирликларнинг турларидан бири бўлган прецедент номлар ҳам муайян тилнинг ономастик кўламига кирувчи бирликлар ҳисобланади.

Прецедент иборалар – турли характердаги цитата, афоризм, мақол, матал, шиорларни матн таркибига киритишдир.⁹ Болаларга хос матнларда айнан болаларга маълум турғун бирикмалар, мақол ва маталлардан фойдаланган ҳолда, прецедент ибораларга мурожаат этилади.

Юпқагина пўстим бор.

Далада кўп дўстим бор.

Топишмоқда ёзиқман:

Ўша “Олтин қозиқ” ман. (А.Обиджон. Сабзи)

Шеърдаги *олтин қозиқ* болаларга топишмоқ матнидан таниш бўлган прецедент иборадир.

Прецедент ном – рамзий ном, маълум ва машҳур атоқли номлар¹⁰ни муайян мақсадда матнга киритиш саналади. Уларга исмлар, шаҳар номлари, тарихий воқеа номлари киритилади. Болалар поэтик матнларида эртақ, мультфильм қаҳрамонларининг номлари, тарихий шахслар, шаҳар ва мамлакат номлари, осмон жисмларининг атоқли номлари қўлланилади.

Қарга кирди кинога

Ўхшаб Буратинога (А.Обиджон. Безори).

А.Толстойнинг “Олтин калит ёки Буратинонинг бошидан кечирганлари” эртагида бош қаҳрамон мактабга эмас, “Қўғирчоқ театри”га томошага киради. Матнда шунга ишора мавжуд.

⁴ Красных В.В. Система прецедентных феноменов в контексте современных исследований / Язык, сознание, коммуникация. Вып. 2. – М.: “Филология”, 1997. – С. 5-12; Караулов Ю.Н. Русский язык и языковая личность. – М.: Наука, 1987; Маслова В. Лингвокультурология: Учебное пособие. – М.: Academia, 2001. – 208 с.

⁵ Нахимова Е.А. Прецедентные имена в массовой коммуникации // <http://www.philology.ru/linguistics/2/narhimova07.htm>.

⁶ Красных В.В. Система прецедентных феноменов в контексте современных исследований / Язык, сознание, коммуникация: Сб. статей. – М.: “Филология”, 1997. Вып. 2. – С. 5-12.

⁷ Пьего-Гро Н. Введение в теорию интертекстуальности. – М.: ЛКИ, 2008. – 240 с.

⁸ Захаренко И.В., Красных В.В., Гудков Д.Б. Багаева Д.В. Прецедентное высказывание и прецедентное имя как символы прецедентных феноменов. Язык, сознание, коммуникация. Вып.1. – М.: 1997. – С.92.

⁹ Красных В.В. Этнопсихоллингвистика и лингвокультурология: курс лекций. – М. 2002. – С. 47..

¹⁰ Гудков Д.Б. Теория и практика межкультурной коммуникации. – М.: ИТДГК “Гнозис”, 2003. – С. 108.

Бунда матннинг рецепиент томонидан тўла идрок этилиши учун унда муайян билимлар талаб этилади. Маълумки, машҳур матнлар ёки вазиятлар билан боғлиқ бўлган номлар, шунингдек, муайян сифатларнинг намунавий йиғиндисига ишора қилувчи рамзий номлар прецедент номлар ҳисобланади. В.А.Маслованинг фикрига кўра, муайян миллат вакилларига яхши таниш бўлган матнлар ёки воқеалар билан боғлиқ бўлган шахс номлари прецедент номлар бўла олади¹¹. Рус оммавий мулоқотида прецедент номларнинг ўрнини тадқиқ этган Е.А.Нахимова тилшуносликда бундай номларга нисбатан ўндан ортиқ ёндашув мавжудлиги ҳақида ёзади. Булар: интертекстуаллик, прецедентлик, маданиятлараро мулоқот, исмларнинг кўп маънолилиги, аллюзия, вертикал контекст, матн реминисценцияси, шунингдек, метафора ҳақидаги анъанавий ва когнитив назариялардир¹². Бу прецедент номлар моҳиятан кўп қиррали ва кўп вазифали лингвомаданий бирликлар эканлигидан далолат беради. Мазкур бирликлар экспрессив, рамзий, коннотатив функцияларга эга лингвокультурологик бирлик бўлиб, у маданий маълумотларни узатишга ёрдам беради¹³.

Таъкидлаш жоизки, прецедент номлар муайян миллат маданиятига хос жиҳатларни аниқлашда очкич сўз вазифасини бажара олади¹⁴.

Прецедент номларни тадқиқ этиш ўзбек лингвомаданиятига хос жиҳатларни ёритиб беришда ҳам муҳим ўрин тутаяди. Д.Худойберганова прецедент номларнинг қайси лингвомаданиятга мансублиги, унинг синхрон ҳолати масаласига эътибор қаратиб, “прецедент номларни миллий ва универсал турларга ажратади, прецедент номларнинг аллюзив ном вазифасида қўлланишини алоҳида таъкидлайди.

Прецедент номларнинг функционал турларидан бири бўлган аллюзив номлар бадииятда услубий фигура сифатида қаралса, лингвокультурологияда улар икки маданий – семиотик майдонни ўзаро туташтирувчи восита сифатида эътироф этилади. Бунда қуйидаги икки жиҳат эътиборга олинмоғи лозим: а) аллюзив номларнинг адабий маълумотга ишора қилиши ва б) уларнинг турли ижтимоий-тарихий воқеликка ишора қилишидир¹⁵.

Аллюзив номлар халқнинг тарихидан бохабарликни кўрсатади, шунингдек, унинг ривожланиш тараққиётидаги маълум воқеликларга ишора қилиши билан ажралиб туради. Бундай номлар қатнашган матнни тушуниш учун билим ва муайян воқеликдан хабардор бўлиш зарур.

Аллюзив номлар нафақат шахс номлари, балки нарса-предметларнинг атоқли номлари – ономастик бирликлар бўлиши мумкин.

Кўринадики, прецедент номлар қатнашган матн ўзида умумжаҳон ёки умуммиллат илми, адабиёти, маданияти ва тарихига доир ахборотларни сакловчи контекст вазифасини ҳам бажаради. Бу, хусусан, прецедент номлар матнда аллюзив ном сифатида қўлланилишида воқеланади.

Маълумки, аллюзив номлар машҳур адабий ёки тарихий-маданий фактга ишора қилувчи ном ҳисобланади¹⁶. Рус тилшуноси М.В.Калинкин сўзлари билан айтганда, ҳар қандай ном матнга тарихий, маданий, географик, коннотатив маълумотлар етказиб берувчи ўзига хос “транспорт воситаси”дир¹⁷. Ономастик бирликларнинг функционал турларидан бири бўлган аллюзив

¹¹ Маслова В.А. Лингвокультурология. –М.: Academia, 2001. – С. 53.

¹² Нахимова Е.А. Прецедентные имена в массовой коммуникации // www.philology.ru/linguistic32/nakhimova-07a.htm.

¹³ Гудков Д.Б. Некоторые особенности функционирования прецедентных высказываний / Вестник Московского университета, Журнал: Серия: 9 Филология. Номер: 4 Местоположение издательства: –М. 1997. – С.106-107.

¹⁴ Худойберганова Д. Матннинг антропоцентриқ тадқиқи. – Тошкент: Фан, 2013. – Б. 59

¹⁵ Нахимова Е.А. Прецедентные имена в массовой коммуникации // www.philology.ru/linguistic32/nakhimova-07a.htm.

¹⁶ Гудков Д.П. Теория и практика межкультурной коммуникации. – М.: Гнозис, 2003. – С. 149.

¹⁷ Калинкин М.В. От литературной ономастики к поэтонимологии // Логос ономастики. – 2006. – №1. – С. 84.

номларнинг бу хусусияти уларни интертекстуаллик ҳамда прецедент матн назарияси билан узвийликда ўрганишга замин яратди. Кўплаб тилшунослар эътироф этганидек, аллюзив номлар матнда кўшимча, лекин вербал ифодага эга бўлмаган матннинг актуаллашувига хизмат қилади. Бунда аллюзив фактнинг машҳурлиги, аллюзия қатнашган горизонтал (вербал) матн, горизонтал матн билан имплицит матннинг ўзаро мазмуний ҳамкорлиги аллюзив жараён ҳосил бўлишининг муҳим шартлари ҳисобланади¹⁸.

Аллюзив матнга антропоцентрик ёндашув аслида тилшуносликда ўтган асрнинг 70-йилларида юзага келган вертикал контекст ҳамда Ю.Н.Караулов томонидан яратилган прецедент матн ҳақидаги назариялардан озиқланган ҳолда юзага келган.

Вертикал контекст, бу назарияни илгари сурган О.С.Ахманова ва И.В.Гюббенет фикрига кўра, ўзида имплицит матн мазмунини сақловчи матндир¹⁹. Имплицит матн яширин мазмун ҳосил қилувчи турли воситалар (тагмаъно, импликация, ишора, аллюзия) орқали юзага келади. Матн замирида яширинган бу мазмун эса ўқувчи томонидан тикланиши лозим. Демак, аллюзия қатнашган матнда икки маданий-семиотик майдон ўзаро туташади. Улардан бири матннинг ташқи структурасида қатнашади, иккинчиси эса ўқувчи томонидан тасаввур қилиниб, қайта тикланади²⁰. Вертикал контекст назарияси муаллифлари 1-турдаги матнни горизонтал матн, 2-турдаги матнни эса вертикал матн терминлари билан номлаганлар²¹.

Прецедент матн назарияси юзага келгач, тилшуносликда вертикал матн прецедентлик хусусиятига эга бўлиши лозимлиги ҳақидаги фикрлар илгари сурилди²². Дарҳақиқат, аллюзив ном остида яширинган матн прецедент, яъни халқнинг лисоний хотирасида сақланувчи, машҳур матндан иборат бўлмас экан, асарда қўлланган аллюзия кутилган натижани бера олмайди. Бунда аллюзив фактнинг машҳурлиги муҳим аҳамиятга эга.

Аллюзив номлар қатнашган матнни тушунишнинг муҳим бир шarti – матнни ўқиётган шахснинг билимлари даражаси матнни тўлақонли идрок этишга ёрдам беради, яъни тингловчи матнни идрок этиш боробарида билимларини хотира синовидан ўтказилади. Бунда эса, таъкидлаш жоизки, аллюзив ном горизонтал матнни вертикал матнга айлантириш жараёнини юзага чиқаради, яъни аллюзив ном муаллифнинг чуқур билимини кўрсатиши билан бирга, ўқувчи уни ўзи билган тарихий фактга боғлайди, ўқиган, кўрган, билган маълумотларини вертикал тарзда хотирада гавдалантиради. Д.Худойберганаева таъкидлаганидек, “билимлари синаладиган “майдон”га айлантиради, образли қилиб айтганда, аллюзив ном матндаги яширин мазмунга олиб кирувчи эшик бўлса, ўқувчининг билими бу эшикни очиб берувчи калит”га айланади.²³ Вертикал контекст назариясига кўра, аллюзив ном икки турдаги, яъни филологик ва ижтимоий-тарихий фактларга ишора қилади²⁴. Бу фактлардан беҳабар бўлиш, аллюзив факт қанчалик машҳур бўлмасин, матнда ифодаланган мазмунни, унинг ғоявий-эстетик моҳиятини тушунмасликка олиб келади.

¹⁸ Машкова Л.А. Аллюзивность как категория вертикального контекста // Вестник МГУ. Серия 9. Филология. – № 2. – 1989. – С. 25–33.

¹⁹ Ахманова О.С., Гюббенет И.В. Вертикальный контекст как филологическая проблема // Вопросы языкознания. – Москва, 1977. – № 3. – С. 47-54.

²⁰ Захарова М.А. Семантика и функционирование аллюзивных имен собственных (на материале англоязычных художественных и публицистических текстов): Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Самара: Самарский гос.пед.ун-т, 2004. – С. 7.

²¹ Ахманова О.С., Гюббенет И.В. Кўрсатилган мақола.

²² Машкова Л.А. Кўрсатилган мақола; Горнакова Л.Ю. Роль аллюзивного антропонима в семантике художественного текста // Известия вузов. Серия “Гуманитарные науки”. – М., 2010. – №1. – С. 62–66.

²³ Худойберганаева Д. Матннинг антропоцентрик тадқиқи. – Тошкент: Фан, 2013; Ўзбек тилидаги матнларнинг антропоцентрик тадқиқи: Филол.фан. д-ри. дисс. – Тошкент, 2015.

²⁴ Ахманова О.С., Гюббенет И.В. «Вертикальный контекст как филологическая проблема» // Вопросы языкознания. – 1977. № 3

Демак, аллюзив матнлар мутолааси ўқувчи билимларини актуаллаштирадиган жараёндин ва шу боисдан ҳам у антропоцентрик моҳият касб этади. Бундай бадиий матнларнинг аллюзив хусусияти, матн ижодкори ҳамда реципиент билимларининг матнда воқе бўлиш механизмлари ташқи алоқадорлигида намоён бўлади, китобхон хотирасида мустаҳкамланган бошқа матнга ўхшатиш, қиёслаш, эслатиш орқали ишора қилади.

Юқорида айтилганидек, аллюзив номлар қўлланган матнлар филологик, ижтимоий-тарихий ва маданий фактлар ҳақидаги ахборотни ўзида сақлайди. У шундай аккумулятив хусусияти билан лингвокультурологик жиҳатни намоён этади. Муайян халқнинг адабий-бадиий асарларида қўлланган аллюзив номлар маълум маънода ўша халқ томонидан эгалланган маданият ва интеллект ҳақида тасаввур ҳосил қилади. Шу боисдан ҳам ўзбек ономастикасидаги прецедент номларни тўплаш ва уларнинг матндаги турли вазибаларини ёритиб бериш катта аҳамиятга эга.

Шуни таъкидлаш жоизки, ўзбек ономастикаси бирликлари ҳам замонавий таҳлил тамойиллари асосида ўрганилиши лозим. Бунда ўзбек лисоний онгида сақланувчи прецедент номларни тадқиқ этиш нафақат тилимиз хусусиятларини, балки халқнинг миллий тафаккури ва психологияси, миллий маданияти, тарихи, урф-одатлари билан алоқадор жиҳатларини кўрсатиб беришга хизмат қилади.

Шуни айтиш жоизки, прецедент номлар юзага келиш мотивига кўра турлича бўлади. Улар бадиий матнлар, диний матнлар, машҳур ва қизиқ воқеалар, афсона, ривоят, эртак, латифа, қўшиқ, кинофильмлар билан боғлиқ бўлиши мумкин.

Ҳозирда болаларга маълум бўлган прецедент номлардан: Маша, қирол Шер, Синба, Мадакаска, Гарри Поттер, Шрек, Оппоқойим, Чиполлино, синьор Помидор, Якка шох, Буратино, Том и Жерри, Барби, Ўлмас Кошей, Ялмоғиз, Зумрад ва Қиммат, Ур тўқмоқ, очил дастурхон қабилар иштирок этган матнларни яхши тушунадилар. Чунки юқоридаги қаҳрамонлар ҳақида муайян билимга ва тасаввурга эга. Бугунги технократик болалар аксарият универсал, оммавий прецедент номларни телевизор, Интернет тармоқлари орқали билиб бормоқда. Миллий прецедент бирликларни англаш учун эса катталар ёрдамида болалар бадиий асар, фольклор намуналарини ўрганиб боришлари зарур. Китобхон хотирасида матндаги прецедент номлар юзасидан маълум билимлар захираси бўлганидагина матн тўлиқ идрок этилади. Шоир қуйидаги сатрларида таъкидлаганидек, болалик хотирасига эга бўлиши керак:

Эсимда ўша дамлар: Ўзи учар гиламлар,

Тоҳир-Зухра, Ёрилтош, Ойни уялтирган қош,

Ўт боғлаган қанотлар, Беқанот учган отлар,

Бахтиёр билан Ойгул, Қиз бўлиб очилган гул,

Сўйлагучи деворлар, Бола бўп қолган чоллар...

(Ҳ.Олимжон. Ойгул билан Бахтиёр).

Ўтган асрнинг 70-йилларида фаолият юритган тилшунос олим В.В.Виноградов “ҳар қандай китоб “гапирувчи шахс сифатида ўқувчига мурожаат этади ва ундан тақриз жавоб кутади”деб матн яратувчиси сўзловчи ва тингловчи муносабатининг бир-бирига боғлиқлигини кўрсатади²⁵. Шунингдек, профессор А.Мамажонов ҳар қандай нутқ бирлигининг энг камида икки функцияси борлигини таъкидлайди: “маълум бир воқеа-ҳодиса ҳақида фикр ифодалаш ва шу фикрга бўлган муносабатни талаб этиш. Нутқ бирликларининг бу икки функцияси бир-бири билан узвий боғлиқ бўлиб, бирисиз иккинчиси ҳаракатда бўлмайди – уларсиз коммуникация йўқ. Биринчи функция нутқ автор томонидан, иккинчи функция қабул қилувчи томонидан реаллаштирилади.

²⁵ Виноградов В.В. О теории художественной речи.М.,1971.С.57.

Нутқ бирлиги орқали ифодаланган фикрга бўлган муносабатнинг қай ҳолда реаллашуви натижасида нутқнинг учинчи – таъсир этиш, уйғотиш функцияси кузатилади. Бу стилистик функциядир²⁶.”

А.Мамажонов “стилистик функция китобхонда ёзувчи томонидан баён қилинган фикрдан кифояланиш ёки таъсирланиш, завқланиш ёки ҳаяжонланиш, қайғу ёки шодлик каби ҳислар ва руҳий ҳолатларнинг уйғониши билан характерланиши”ни баён қилганда матннинг лингвомаданий жиҳатларига ишора қилган²⁷.

Прецедент номларнинг бадиий матндаги муҳим психоллингвистик хусусияти шундан иборатки, улар матн ўқувчиси онгида номатний маъно, яъни матнга доир, лекин унинг вербал тузилишига кирмаган қўшимча маълумотлар²⁸ актуаллашувини тақозо этади. Ўқувчи бунда номатний маънонинг матннинг прагматик тузилишидаги аҳамиятини ҳам билиши муҳимдир.

Хулоса қилиб айтганда, бадиий адабиётда жамиятда инсон аралашуви натижасида пайдо бўлган муносабатлар, ҳодиса ва ҳолатларни бадиий образли, ёркинроқ ифодалаш мақсадидан эртак жанрига хос ономастик бирликлардан прецедент ном сифатида фойдаланилади. Д.Анданиязованинг “Ономастик бирликларнинг лингвопоэтик тадқиқи” номли тадқиқотида прецедент номларнинг бадиий матндаги вазифаларини белгилаб беради²⁹.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Анданиязова Д. Бадиий матнда ономастик бирликлар лингвопоэтикаси: Филол.фан. бўйича фалсафа д-ри (PhD) дисс. автореф. –Тошкент, 2017.
2. Ахманова О.С., Гюббенет И.В. Вертикальный контекст как филологическая проблема // Вопросы языкознания. – Москва, 1977. – № 3. – С. 47-54.
3. Банникова С.В. Прецедентность как лингвокультурный феномен (На материале английских и русских текстов): дис. ... канд. филол. наук / С.В. Банникова. – Тамбов, 2004.
4. Боярских О.С. Прецедентные феномены со сферой-источником «литературы» в дискурсе российских печатных СМИ (2004-2007): автореф. дис. ... канд. филол. наук: 10.02.01/Боярских Оксана Сергеевна. – Екатеринбург, 2008.
5. Виноградов В.В. О теории художественной речи. М., 1971. С.57.
6. Ворожцова О.А. Лингвистическое исследование прецедентных феноменов в дискурсе российских и амереканских президентских выборов 2004 года: автореф. дис. ... канд. филол. наук : 10.02.20/ Ворожцова Ольга Александровна – Екатеринбург, 2007.
7. Гудков Д.П. Теория и практика межкультурной коммуникации. – М.: Гнозис, 2003. – С. 149.
8. Гудков Д.Б. Некоторые особенности функционирования прецедентных высказываний / Вестник Московского университета, Журнал: Серия: 9 Филология. Номер: 4 Местоположение издательства: –М. 1997. – С.106-107.
9. Гудков Д.Б. Прецедентные феномены в заголовках российской и британской прессы (2005-2009 гг.): автореф. дис. ... канд. филол. наук./ Зырянова И.П. [Урал. гос. пед. ун-т]. - Екатеринбург, 2010;

²⁶ Мамажонов А. Қўшма гап стилистикаси.- Т.: Фан. 1990.

²⁷ Юкоридаги асар. Ҳайдаров Ш.М. Кўрсатилган автореферат. – Б. 11.

²⁸ Ҳакимов М. Ўзбек тилида матннинг прагматик талқини: Филол. фан. д-ри ... дис. – Тошкент: ЎЗР ФА ТАИ, 2004. – 283 б.

²⁹ Анданиязова Д. Бадиий матнда ономастик бирликлар лингвопоэтикаси: Филол.фан. бўйича фалсафа д-ри (PhD) дисс. автореф. –Тошкент, 2017.

10. Гудков Д.Б. Теория и практика межкультурной коммуникации. – М.: ИТДГК “Гнозис”, 2003. – С. 108.
11. Д.В.Багаева, Д.Б.Гудков, В.В.Красных, И.В.Захаренко // Прецедентное имя и прецедентное высказывание как символы прецедентных феноменов; Язык, сознание, коммуникация. – М.,1997. Вып. 1. – С. 82-103
12. Захарова М.А. Семантика и функционирование аллюзивных имен собственных (на материале англоязычных художественных и публицистических текстов): Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Самара: Самарский гос.пед.ун-т, 2004. – С. 7.
13. Захаренко И.В., Красных В.В., Гудков Д.Б. Багаева Д.В. Прецедентное высказывание и прецедентное имя как символы прецедентных феноменов. Язык, сознание, коммуникация. Вып.1. – М.: 1997. – С.92.
14. Илюшкина М.Ю.Прецедентные феномены в российской и британской печатной рекламе услуг для туристов:дисс. ...канд.филол.наук.: 10.02.20. / Илюшкина Мария Юрьевна. – Екатеринбург, 2008 ;
15. Калинин М.В. От литературной ономастики к поэтонимологии // Логос ономастики. – 2006. – №1. – С. 84.
16. Караулов Ю.Н. Русский язык и языковая личность. – М.: Наука, 1987; Маслова В. Лингвокультурология: Учебное пособие. – М.: Academia, 2001. – 208 с.
17. Караулов Ю.Н.Роль прецедентных текстов в структуре и функционирования языковой личности / Ю.Н.Караулов // Научные традиции и новые направления в преподавании русского языка и литературы .Доклады советской делегации на VI конгресс МАПРЯЛ. – М.: Русский язык, 1986. – С.105-126.
18. Косиченко Е.Ф.Прецедентные имена как средство выражения субъективной оценки: автореф.дис. канд.филол.наук:10.02.19 / Елена Федоровна Косиченко. – М.,2006.
19. Красных В.В. Система прецедентных феноменов в контексте современных исследований / Язык, сознание, коммуникация. Вып. 2. – М.: “Филология”, 1997. – С. 5-12
20. Красных В.В. Этнопсихоллингвистика и лингвокультурология: курс лекций. – М. 2002. – С. 47..
21. Кушнерук С.Л. Сопоставительное исследование прецедентных имён в российской и американской рекламе.: дисс. ...канд.филол.наук: 10.02.20 / Светлана Леонидовна Кушнерук. – Екатеринбург, 2006
22. Маслова В.А. Лингвокультурология. –М.: Academia, 2001. – С. 53.
23. Машкова Л.А. Аллюзивность как категория вертикального контекста // Вестник МГУ. Серия 9. Филология. – № 2. – 1989. – С. 25–33.
24. Машкова Л.А. Кўрсатилган мақола; Горнакова Л.Ю. Роль аллюзивного антропонима в семантике художественного текста // Известия вузов. Серия “Гуманитарные науки”. – М., 2010. – №1. – С. 62–66.
25. Нахимова Е.А. Прецедентные имена в массовой коммуникации // www.philology.ru/linguistic32/nakhimova-07a.htm.
26. Нахимова Е.А.Теория и методика когнитивно-дискурсивного исследования прецедентных онимов в современной российской массовой коммуникации. автореф.дис. ...д-ра. филол. наук – Екатеринбург , 2011

27. Орлова Н.М. Библиейский текст как прецедентный феномен: автореф. дис. ... док.филол.наук: 10.02.19 / Орлова Надежда Михайловна. – Саратов, 2010.
28. Пикулева Ю.Б. Прецедентный культурный знак в современной телевизионной рекламе лингвокультурологический анализ: автореф. дис. ... канд.филол.наук : 10.02.19 / Пикулева Юлия Борисовна. – Екатеринбург, 2003.
29. Пьего-Гро Н. Введение в теорию интертекстуальности. – М.: ЛКИ, 2008. – 240 с.
30. Сергеева Г.Г. Прецедентные имена и понимание их молодежной среде (школьники 10-11 класса): автореф. дис. ... канд. филол. наук: 10.02.19. / Галина Георгиевна Сергеева. – М., 2005.
31. Худойберганаева Д. Матнинг антропоцентрик тадқиқи. – Тошкент: Фан, 2013; Ўзбек тилидаги матнларнинг антропоцентрик тадқиқи: Филол.фан. д-ри. дисс. – Тошкент, 2015.
32. Ҳақимов М. Ўзбек тилида матннинг прагматик талқини: Филол. фан. д-ри ... дис. – Тошкент: ЎЗР ФА ТАИ, 2004. – 283 б.
33. <http://ru.wikipedia.org>.
34. Teshebaeva L. R. HISTORY OF THE CONCEPT OF THE TERM" FAIRY TALE", THEORETICAL AND METHODOLOGICAL ANALYSIS //International Scientific and Current Research Conferences. – 2022. – С. 76-77.
35. Lolaxon T., Maftuna M. MODERN METHODS OF TEACHING ENGLISH //EDITORIAL BOARD. – С. 613.
36. Тешebaева Л. ЧЕТ ТИЛИНИ ЎҚИТИШДА ИННОВАЦИОН ЁНДАШУВ //Central Asian Research Journal for Interdisciplinary Studies (CARJIS). – 2022. – Т. 2. – №. Special Issue 2. – С. 210-215.
37. Lolakhon T. Fairy-tale genre in languages of different systems are onomastic units //Asian Journal of Multidimensional Research. – 2022. – Т. 11. – №. 2. – С. 90-94.
38. SHAKLLARI I. F. NM Asadullaeva-Farg ‘ona davlat universiteti fuqarolik jamiyati kafedrasida ‘qituvchisi TARAQQIYOTNING YANGI BOSQICHIDA TALABA-YOSHLARNI TARBIALASHNI //FARG ‘ONA DAVLAT UNIVERSITETI. – С. 48.
39. Egamberdieva T., Asadullaeva N. SOCIO-PEDAGOGICAL FACTORS OF FORMATION OF ACTIVE CIVIL POSITION IN STUDENTS ON THE BASIS OF THE REQUIREMENTS OF A NEW STAGE OF DEVELOPMENT OF SOCIETY //Scientific Bulletin of Namangan State University. – 2020. – Т. 2. – №. 6. – С. 261-267.
40. Makhhammadalievna A. N. Prospects and foreign experience in the development of the pedagogical process aimed at strengthening active civil competence in future teachers //Asian Journal of Multidimensional Research. – 2022. – Т. 11. – №. 3. – С. 63-69.
41. Асадуллаева Н. ПЕДАГОГИЧЕСКАЯ НЕОБХОДИМОСТЬ ФОРМИРОВАНИЯ АКТИВНОЙ ЖИЗНЕННОЙ ПОЗИЦИИ У МОЛОДЫХ ЛЮДЕЙ //МИРОВАЯ НАУКА 2020. ПРОБЛЕМЫ И ПЕРСПЕКТИВЫ. – 2020. – С. 14-16.
42. Haydarova D. INFORMATION AND COMMUNICATION TECHNOLOGIES IN THE TEACHING FOREIGN //Chief Editor.
43. JARAYONI O. Z. X. M. M. DK Haydarova–Farg ‘ona davlat universiteti o ‘qituvchisi //FARG ‘ONA DAVLAT UNIVERSITETI. – С. 22.
44. Haydarova D. Инглиз ва узбек субстанциал бирликларининг грамматик жихатдан ахамияти //Журнал иностранных языков и лингвистики. – 2020. – Т. 1. – №. 1. – С. 128-132.

45. Haydarova D. INTERNETNING ZAMONAVIY O ‘ZBEK ADABIYOTIGA TA’SIRI //International Journal of Philosophical Studies and Social Sciences. – 2022. – T. 2. – №. 2. – С. 156-158.
46. Haydarova D. APPLICATION FORMS IN UZBEK AND GERMAN LANGUAGES //Chief Editor.
47. XAYDAROVA D. APPLICATION FORMS IN NON-NATIVE LANGUAGES AND THEIR PECULIARITIES (ON THE EXAMPLE OF UZBEK, RUSSIAN, ENGLISH, GERMAN AND FRENCH) //THEORETICAL & APPLIED SCIENCE Учредители: Теоретическая и прикладная наука. – 2021. – №. 12. – С. 474-477.
48. Xaydarova D. K. KOREYS VA INGLIZ TILIDAGI MUROJAAT ATAMALARINING UMUMIY VA XUSUSIY BELGILARI //Scientific progress. – 2021. – T. 2. – №. 8. – С. 936-941.
49. Dildora X. Appeal as a basis of communication culture //Asian Journal of Research in Social Sciences and Humanities. – 2021. – T. 11. – №. 11. – С. 812-815.